



**ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**  
**“Сергели дехкон бозори” АЖ (адресат) реkvизитлари:**

№ 4/13

Тошкент шаҳри, Янги Сергели -6 кўчаси; СТИР-202 648 833; ТИФ Миллий банки Сиргали филиали; МФО-00869; х/р-2020 8000 3001 1950 40011. ОКОНХ -71270.

**"OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти реkvизитлари:**

100000, Тошкент ш. Юнусобод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-уу, Tel: 236-11-60, 236-24-32, [osiy-audit@mail.ru](mailto:osiy-audit@mail.ru), серия АФ № 00817-сонли 17.04.2019 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси; 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳнома, АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 11 июн 2016 йилда берилган №05391-сонли аудитор малака сертификатига эга Қодиров Иззатулло Жумаевич.

MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти директори - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмаилов Адилбек Матчанович.

Мен MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори “Сергели дехкон бозори” АЖ нинг “Бухгалтерия баланси”-1-шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”-2-шакл, Тушунтириш хатидан иборат 2020 йил (1 январдан 31 декабргача) ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончилигини 15.02.2021 йилдаги 13-шартнома асосида мажбурий аудит текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

“Сергели дехкон бозори” АЖ нинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Сергели дехкон бозори” АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект “Сергели дехкон бозори” АЖ нинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор

Аудитор

2021 йил “19” феврал



А.Исмаилов

И.Қодиров